

## Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Президентликка номзод Наримон Умаровни қўллаб-қувватлашга чақирамиз

САЙЛОВ — 2015

### Халқчил гоёлар акс этган дастур

ишончли вакилларнинг сайловчилар билан учрашувларида кенг эътироф қилинмоқда

Сайловолди тарғибот-ташвиқот ишларида Президентликка номзод Наримон Умаровнинг ишончли вакиллари партия фаоллари билан биргаликда республикамизнинг барча ҳудудларида учрашувлар ўтказиб, сайловчилар билан очиқ ва самимий мулоқотда бўлдилар, партия номзодини кенг тарғиб этишда фаоллик кўрсатдилар.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 29-моддасида белгиланганидек, ишончли вакиллар номзодга сайлов кампаниясини ўтказишда ёрдам берадилар, уни Ўзбекистон Республикасининг Президенти этиб сайлаш учун тарғибот олиб борадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Н.Умаровнинг ишончли вакиллари бугунга қадар барча шаҳар ва туманларда тарғибот тадбирларини олиб бордилар, маҳаллалар, корхона, турли муассасаларда бўлиб, партия номзодининг сайловолди дастури билан кенг жамоатчиликни яқиндан таништирдилар. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, улар Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг гоё ва мақсадлари мазмун-моҳиятини тарғиб этиш орқали партиямизга аҳоли хайрихоҳлигини янада қучайтиришга ҳам эришмоқдалар.

2 >

### Демократия кўзгуси

Округ сайлов комиссияларида

Миллий қонунчилигимизда демократик сайлов тизимининг ҳуқуқий, ташкилий асослари, муҳим принциплар, сайловни амалга ошириш механизмлари қатъий белгилаб қўйилган.

Амалдаги қонунчиликка мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови Марказий сайлов комиссияси томонидан ташкил этилади ва ўтказилади. Айни пайтда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари кесимида биттадан тузилган сайлов округлари Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича қизгин фаолият олиб бормоқда.




3 >

### Келажак учун овоз берамиз

Сайлов участкаларида

Сайлов кампанияси мавсумида Урганч шаҳридаги 9-сайлов участкаси жамоатчилик вакилларининг қизгин мулоқотлар, маданий-маърифий учрашувлар ўтказадиган даргоҳига айланди. Мазкур сайлов участкасида фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига ҳозирлик кўриш билан боғлиқ фаолигини ҳис қилиш мумкин.

2 >



### Инсон манфаатлари

устуворлиги миллий қонунчилигимиз асосидир

Фракция ййғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси фракциясининг ййғилиши бўлиб ўтди. Унда фракция аъзолари, партия Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати масъул ходимлари, вазирлик ва идоралар вакиллари, экспертлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Ййғилишда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги ялпи мажлиси кун тартибига киритилаётган қонун лойиҳалари муҳокама қилинди.

Фракция аъзолари дастлаб, “Ташувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий сугурта қилиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қизгин муҳокама қилдилар.

Депутатлар эътиборига ик-

кинчи ўқишда ҳавола этилаётган мазкур қонун лойиҳасининг мақсади ялпи мажлиси кун тартибига киритилаётган қонун лойиҳасининг мажбурий сугурта қилиш, шу йўл билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида барча турдаги транспорт воситаларида ташишни амалга оширишда йўловчиларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига етказилган зарар ўрни қопланишини кафолатлашга қаратилган.

Ййғилишда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига мувофиқ ташувчи йўловчининг ҳаёти ёки соғлигига шикаст етказилгани, юк ёки багаж йўқолгани, кам чиққани ва уларга шикаст етказилгани (бузилгани) учун жавобгардир.

Депутатлар қонун лойиҳасини кўриб чиқиш жараёнида уни қабул қилишнинг бугунги кундаги заруриятига асосий эътиборни қаратдилар. Қайд этилишича, миллий қонунчилигимизда ташувчининг йўловчилар ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкига зарар етказганлик учун фуқаролик жавобгарлигини сугурта қилишни тартибга солувчи яхлит (алоҳида) норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас.

3 >

Мухаррир минбари

### Соғлом сиёсий рақобат — адолатли тараққиёт омили

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон “Адолат” СДП фракцияси парламентдаги кўпчиликка нисбатан муҳолиф деб эълон қилинди

Маълумки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Миллий тиклаш” демократик партияси фракцияларининг қўшма мажлисида ушбу икки партия фракцияларидан таркиб топган Демократик кучлар блокинни тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Албатта, бу қарор мамлакатни демократик йўналишда модернизация қилиш жараёнида замонавий, демократик талабларга жавоб берадиган парламент тизимини профессионал даражага кўтаришга ҳамда давлат ҳокимияти органлари тизимида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг роли ва ўрнини оширишга хизмат қилади.

3 >

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти  
САЙЛОВИ — 2015



29 март  
ЯКШАНБА











# Бизнес лойиҳалар қўллаб-қувватланмоқда

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ички бозорни рақобатбардош маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда янги иш ўринлари яратиш мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис юртимизда фаолият юритаётган молия муассасалари соҳага катта эътибор қаратиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида мададқорига айланапти. «Трастбанк» хусусий акциядорлик биржа банки ўз фаолияти билан нафақат пойтахтимизда, балки республикаимиз миқёсида ҳам тадбиркорлик субъектларининг ишончли ҳамкори сифатида обрў-эътибор қозонган. Зеро, банкнинг йигирма йиллик фаолиятида кичик бизнес субъектларини молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш хамиша устувор йўналиш бўлиб келмоқда.

Банк томонидан истиқболли лойиҳаларга изчил моддий қўмак ажратилаётгани натижасида шаҳарлар ва чека туманларда хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес кенг ривожланмоқда энг муҳими, кичик корхоналарда аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилувчи янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Утган йили «Трастбанк»нинг 225,235 миллиард сўм ҳажмида бизнес лойиҳаларни кенг қўллаб-қувватлаш шарофати билан жойларда 401 та янги иш ўрни яратилгани бундан далолат беради. Қувонарлиси, уларнинг деярли 22 нафари касб-хунар коллежлари битирувчиларидан иборат. Бугунги кунда республикамизнинг турли ҳудудларида ушбу банкнинг молиявий хизматларидан фойдаланиб келаётган юрдошларимиз ва ёш тадбиркорларнинг қўйидаги дил сўзлари бунинг яққол далилидир.

**Билолжон Қодиров,**

«PAPER CUP» МЧЖ директори:

— Иқтисодий касб-хунар коллежларида ўқиб юрган кезларимда, молия муассасалари томонидан ёшларнинг ўз бизнесларини йўлга қўйишлари учун яратилган шарт-шароитлар, имкониятлар тўғрисида ўтказилган семинарларда қатнашиб, бу борада керакли маълумотларга эга бўлгач, келажакда бирор-бир банк билан ҳамкорлик ўрнатиб, ўз бизнесини йўлга қўйишга аҳд қилгандим. Кейинчалик туманимиз аҳолисига салқин ичимлик ва сут маҳсулотларини сифатли ва экологик тоза

Хизматлар лицензияланган

ҳолда етиб боришни таъминлаш мақсадида махсус қоғоз ашёсидан картон стаканлар ишлаб чиқаришга жазм этдик. Шу масалада пухта бизнес-режа тузиб, «Трастбанк»нинг Яққасарой филиалига мурожаат қилдик. Лойиҳамиз банк мутасаддилари томонидан қўриб чиқилди ва бизга узоқ муддатли кредит ажратишга қарор қилинди. Банкнинг имтиёзли кредити эвазига янги бешта иш ўрни ташкил қилиб, маҳсулот ишлаб чиқаришни бошладик. Бугунги кунда банк ажратган 90 миллион сўмлик сармоядан унумли фойдаланган ҳолда айланма маблағларга ва ишлаб чиқариш хомашёларига режа билан сарфляймиз. Яқинда пойтахтимизда ташкил қилинган «BankEXPO-2015» VIII миллий кўргазмаси доирасида ўтказилган «Трастбанк» танловида жамоамиз «Ёш тадбиркорларнинг энг яхши бизнес лойиҳаси» номинацияси гóлиби, деб эътироф этилди. Бизга имтиёзли кредит ажратиш ҳуқуқини берувчи сетификат топширилди. Бундай эътибордан кучимизга куч, гайратимизга гайрат қўшилди. Бизнесимизни юртимизда яқин кўмакчи бўлган «Трастбанк» ХАББнинг Яққасарой филиали жамоасига миннатдорчилик билдираман.

**Анвар Азлабердиев,**

«ANVAR-AKBAR KELAJAGI» МЧЖ директори:

— Юртимизда тадбиркорлик билан шуғулланишга бел боғлаган ёшлар учун барча шарт-шароит муҳайё эканлигини ўз тажрибам мисолида айтиб ўтмоқчиман. Имкониятлардан келиб



чиқиб, йўловчи ташувчи автохўжалик замирида оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйдик. Бу борада «Трастбанк» ХАББнинг Термиз филиали молиявий қўмакга суянди. Ишимиз ривож топди, маррани янада баландроқ кўя бошладик. Узро ишонч ва ҳамкорлик туфайли банк томонидан бизга яна имтиёзли муддатга лизинг хизмати кўрсатилди. Натижада хўжалигимиз ер, зовур қазийдиган ва тупроқни чиқариб ташлайдиган бақувват экскаваторга эга бўлди. Жанубий Кореяда ишлаб чиқарилган гилдиракли махсус техникамиз ўзининг баракали меҳнат унуми билан оғиримизни енгил қилмоқда. Айтмоқчиманки, астойдил интиланган, меҳнатингиз роҳатини, самарасини кўра экансиз. Бизга шундай ютуқларга эришишимизда хайрихоҳ бўлган, ёнимизда турган «Трастбанк»нинг Термиз филиали жамоаси фаолиятига миқдор сифатида равнақ тайлаيمиз.

**Акмал Ҳайдаров,**

ХАЙДАРОВ АКМАЛ ШОРИЙЕВИЧ» МЧЖ директори:

— Юртимизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари шу заминда истиқомат қилаётган юрдошларимиз кўнглига фарахлик бағишлайди. Биз ҳам Косонсой тумани «Дўстлик» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудини гўзал масканлардан бирига айлантириш мақсадида бу ерда мини-футбол майдони, идора, савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ва кексалар учун чойхона барпо этишга бел боғлаган

дир. Вилоят архитектура ва қурилиш бошқармасидан рухсат берилгач, ропа-роса бир йил аввал шу маҳалла фуқаролари ва бинокор мутахассислар қўмагида ишлар жонланиб кетди. Бундай хайрли саъй-ҳаракатларимизни «Трастбанк» ХАББ Қарши филиали қўллаб-қувватлаб, кредит ажратганидан жуда мамнунимиз. Маҳалламизнинг равнақ топаётганидан, замонавий қиёфа касб эътиборидан доимо эъзоздаги кексаларимиз ҳам, ёшларимизнинг ҳам руҳи кўтаринки. Наврўз айёми арафасида қурилишни ниҳоясига етказдик. Бу, ўз навбатида, Кексаларни эъзозлаш йилга ўзига хос тўхта бўлди, десак янглишмаймиз. Эндликда банкнинг галдаги моддий қўмаги, маҳалла аҳлини қўллаб-қувватлаш орқали спорт билан шуғулланиш, соғломлаштириш маскани қурилиш режалаштирилди.

**Бахтигул Алимова,**

Термиз шаҳридаги «Yangier ulgurji savdo» МЧЖ раҳбари:

— Кўчат экиб, боғ яратиш, теваракатрофни кўкаламзорлаштириб, гулзорлар барпо этиш, хонадон уювни тоза, озода ва чиройли тутиш халқимизга хос фазилатлардандир. Зеро, тинч-осойишта маҳаллада, тоза-озода хонадонда хамиша фойз-баракка бўлади. Юртимизда мевали ва манзарали дарахт кўчатларига эҳтиёж йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Шу эҳтиёжни ҳисобга олиб, кўркам боғ барпо этишга киришдик. Бунинг учун «Трастбанк»нинг Термиз шаҳар филиалидан ажратилган

кредитдан унумли фойдаландик. Натижада ишларимиз ривож топиб, саксонга янги иш ўрни яратдик. Хозирда мевали дарахтларга меҳр билан шакл берилиб, астойдил парваришланаётди. Яқин йилларда бу кўчатлар ҳам ҳосилга кириб, мевасидан аҳоли баҳраманд бўлади. Зеро, боғ-роғлар — ободлик ва фаровонлик белгисидир. Айни пайтда ушбу тармоқни янада равнақ топтириш мақсадида янги лойиҳалар устида ишламоқдамиз. Мақсад ҳудудимизни янада обод қилиш ва юрдошларимиз фаровонлигини юксалтиришга қўлдан келганча ҳисса қўшишдир. Мухлими, уларни амалга оширишда «Трастбанк»дек молиявий қўмакчимиз бор.

Ёш оилаларни, касб-хунар коллежлари битирувчиларини кичик бизнесга жалб қилиш, уларда бизнес юритиш, молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш кўнликмасини шакллантириш, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш борасида олиб борган амалий саъй-ҳаракатлар самараси сифатида «Трастбанк» «BankEXPO-2015» VIII миллий кўргазмаси якунларига кўра «Мижозларга сифатли хизмат кўрсатувчи энг яхши банк» номинацияси гóлиби бўлди.

Юқоридagi дил сўзларидан келиб чиқиб айтилган бўлсак, «Трастбанк» ХАББ келажакимиз эгалари бўлиши навқирон авлод вакиллари ижтимоий ҳимоялашга устувор масалалардан бири сифатида қараб, ёшлар қобилиятини юзага чиқариш, юртимиз равнақи йўлида удар салоҳиятидан унумли фойдаланиш мақсадида барча зарур шарт-шароитлар яратишга доимий эътибор қаратаверади.

Банк материаллари асосида «Adolat» муҳбири **Ориф ЎЛМАСОВ** тайёрлади.

**Амина Рашид,**  
Тошкент шаҳридаги «Najot Shifo» МЧЖ раҳбари:

— Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган «BankEXPO-2015» VIII миллий кўргазмасидаги «Трастбанк» танловида «Ёш тадбиркорларнинг энг яхши бизнес лойиҳаси» номинацияси гóлиби бўлдим. Албатта, бунга ўз-ўзидан эришганимиз йўқ. Буни «Трастбанк» билан яқин ҳамкорлигимиз меваси, деб биламан. Тадбиркорлик фаолиятимга тўхтайдиган бўлсам, ўзим раҳбарлик қилаётган даволаш мажмуамиз турли касалликларнинг олдини олиш, беморларга тез ташхис қўйиш ва даволаш борасида қўллаб-қувватлаш натижаларга эришиб келаямиз. Хизматимизга бўлган талабнинг ошаётгани технология муолажа ишларини замонавий даражага кўтаришни тақозо этмоқда. Шу мақсадда «Трастбанк»нинг Яққасарой филиалига мурожаат қилиб, тиббиёт ускуналари мажмуасини харид қилиш учун етарли миқдордаги кредитга эга бўлдик. Эндликда жамоамиз замонавий ускуналар ёрдамида кексаларимиз, ёшлар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш йўлида бор имкониятини ишга солиб, фаол меҳнат қилмоқда.

**Салоқат Амнанонова,**

Наманган вилоятидаги «Laylo sof savdo» МЧЖ директори:

— Юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кўрсатилган эътиборни ўз фаолиятимизда яққол ҳис этмоқдамиз. Корхонамизда йигирмадан зиёд йигит-қиз доимий иш билан таъминланган. Келгусида банк билан истиқболли лойиҳалар борасида ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз.

Фарғона вилоятидаги

## «Осиёшаробсавдо»

унитар корхонаси  
жамоаси

барча юрдошларимизни  
гўзал ва бетакрор айём билан  
чин дилдан муборакбод этади.

Наврўз  
муборак!

Қалбларни тўлдирган бу улўф байрам шўкўҳи,  
кўтаринки кайфияти сизларни асло тарк этмасин!



## 2015 ЙИЛ 29 МАРТ, ЯКШАНБА — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ КУНИ

# КУЧ — АДОЛАТДА!



**Ўзбекистон  
“Адолат”  
социал-демократик  
партиясидан номзод  
Наримон Умаровга овоз беринг!**



## Имтиёз ва имкониятлар самараси



### Эътироф

Мамлакатимиз иқтисодиётида рўй бераётган янгиланишлар, ҳар бир тармоқда қўлга киритилган ютуқлар, муҳими, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишда ҳам молия муассасаларининг салмоқли ҳиссаси бор. Гап шундаки, банклар томонидан кўрсатилаётган замонавий ва сифатли хизматлар, миқозлар учун имтиёзли шартлар асосида ажратилаётган маблағлар кўплаб истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш, минглаб янги иш ўринларини яратиш имконини бермоқда. Бугунги кунда “Мижоз банк учун эмас, банк миқоз учун” тамойилини бош мезон сифатида белгилаб олган банкларимиз хизмат кўрсатишнинг барча йўналишида замон талабларига мос фаолият юритмоқда.

Бунда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорга мувофиқ, тадбиркорлик соҳасидаги юқори технологияли ва инновацион лойиҳаларни, узоқ ва бориш қийин бўлган ҳамда меҳнат ресурслари ортқича ҳудудларда ишлаб чиқаришни жорий этиш, кичик корхона, деҳқон ва фермер хўжаликларини имтиёзли шартлар асосида кредитлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

1991 йилда ташкил этилган чет эл капитали иштирокидаги “Hamkorbank” акциядорлик-тижорат банки ҳам ўз фаолиятида ушбу мезонга қатъий амал қилган ҳолда турли йўналишдаги замонавий хизматлари билан миқозлар ишончи ва эътиборини қозониб келаяпти. Жумладан, ўз филиаллари орқали кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида кредитлар салмогини ошириб бораётир. Му-

ҳими, миқозлар банк филиали кўрсатаётган молиявий хизматдан мамнунлигини эътироф этишмоқда. Кунинг кеча “Hamkorbank” АТБнинг Тошкент шаҳридаги филиали сони яна биттага кўпайди. Гап шундаки, пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида банкнинг 32-филиали ўз ишини бошлади. Бу ўз навбатида, банкнинг молиявий кўмагидан фойдаланиб келаётган миқозларни мамнун этди.

### Ҳамидулла ТОИРОВ, “Стандарт Техно бизнес” МЧЖ раҳбари:

— Юртимизда тадбиркорларнинг эмин-эркин, самарали ишлаши учун яратилган шарт-шароитлар, имкониятлардан фойдаланишга аҳд қилиб, 2014 йилда ўз фаолиятимизни йўлга қўйдик. Асосан чакана савдо, харидорларга сифати юқори, нархи нисбатан арзон, энг муҳими, ишлашига қулай маънавий техника ускуналари етказиб бериш билан шуғулланамиз. Шуни мамнуният билан таъкидламоқчиманки, банкнинг молиявий кўмаги бизга жуда қўлай келаяпти. Утган йили “Hamkorbank” АТБнинг Тошкент шаҳар филиалидан 30 миллион сўм



### Рамзиддин МАЖИДОВ, “Гермен Бэкери” МЧЖ раҳбари:

— Утган йили фаолият бошлаган, уч киши доимий иш билан таъминланган корхонамизда замонавий технологиялар асосида кунига 200 килограммча ун қайта ишланиб, 7 турдаги сифатли ва мазали нон маҳсулотлари тайёрланмоқда ва аҳоли дастурхонига тортиқ қилинмоқда. Албатта, бундай хайрли ишни йўлга қўйишимизда “Hamkorbank” АТБнинг Тошкент шаҳри филиалидан

ўтган йили олган 60 миллион сўмлик кредит эвазига зарур ускуналар харид қилдик. Харидор ижтимоий муассасалар ҳамда ташиқотларга, бозорларга биз ишлаб чиқараётган нон маҳсулотларини тарқатиш учун юк машинаси ҳам сотиб олдик. Маҳсулотимиз харидорларимиз, муҳими, аҳолига манзур бўлаётгани бизни жуда қувонтиради. Келгусида ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот турини янада кўпайтириш, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирганмиз. Жумладан, цех-

ларимизга 300 миллион сўм қийматидаги хоризж технологиясини ўрнатиб, фаолиятимизни кенгайтириш, бунинг натижасида кўплаб ёшларни иш билан таъминлашни олдимизга устувор мақсад қилиб қўйганмиз. Албатта, бунинг учун банк кўмагида лойиҳа ҳам ишлаб чиққанмиз. Келгусида банк билан истиқболли лойиҳалар борасида ҳамкорликни давом эттириш ниятидамиз. Асосий мақсад халқимизнинг турмуш фаровонлигига, юртимиз иқтисодий тараққиётига ҳисса

қўшишдир. Зеро, интилганга толе ёр, деб бежиз айтилмаган.

қўшишдир. Зеро, интилганга толе ёр, деб бежиз айтилмаган.

### Валижон ҚАЮМОВ, Сирдарё туманидаги “ATHAM BUSTON” МЧЖ директори:

— Аҳолига хизмат кўрсатиб, дуосини олиш ниятида тадбиркорлик фаолиятимни бошлашимда “Hamkorbank” АТБнинг олтинчи ой мuddатга, дастлабки олти ойи имтиёзли давр ҳисобланган 400 миллион сўмлик кредити молиявий асос бўлди. Фаолиятимиз умумлаштирилганини йўлга қўйишга ихтисослашган. Ушбу маблағни юрtdошларимизнинг қувончли кунларида хизмат кўрсатиш, шодидега улашиш, тўй-ҳашамларда сифатли хизмат қилиш мақсадида тўйхона қўриш, уни жиҳозлаш ва «Isuzu» юк машинаси сотиб олишга йўналтираймиз. Тўйхонамиз тўлиқ ишга тушгач, 15 та иш ўрни яратамиз. Кези келганда айтиши жоизки, банклар томонидан йиллик фойз ставкаларининг тадбиркорларга мақбул шартларда ўрнатилганлиги бизга катта ёрдам бермоқда.

Ишбилармон сифатида шаклланиб, соғлом рақобат муҳитида ўз ўрнимизни топишимизда яқиндан кўмак бериб келаётган “Hamkorbank” АТБ жамоасига миннатдорчилик билдираемиз. Банк ходимлари бизни ҳушмуомалалик билан кутиб олиб, намунали хизмат кўрсатаётгани, зарур ҳолларда, тегишли йўл-йўриқлар бераётгани туфайли фаолиятимиз тез оёққа турмоқда. Жумладан, тадбиркорларга тезкор амалий кўмак кўрсатиш, юрtdошларимизга намунали хизмат қилишимизда унинг молиявий ёрдами жуда асқотаяпти. Хуллас, ўз ишимиздан ҳам, бизни қўллаб-қувватлаётган банкдан ҳам кўнглимиз тўқ.

Юртимизда ишончли ва тадбиркорнинг яқин кўмакчиси бўлган банклар бундан кейин ҳам ривожланаверсин, деймиз.

Банк материаллари асосида «Adolat» муҳбири **Абдуғани СОДИҚОВ** тайёрлади.

Reklama o'rtida



Хизматлар лицензияланган

МУАССИС:



Ўзбекистон «Адолат» СДП  
Сийсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислоҳ ҚАМРОВ

Таҳрир ҳайъати:  
Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА  
Наримон УМАРОВ  
Собир ТУРСУНОВ  
Абдуқамол РАҲМОНОВ  
Зухра БОТИРОВА

Мамазоир ХУЖАМБЕРДИЕВ  
Қодир ЖўРАЕВ  
Мухаммад АЛИ  
Тальят МУРОДОВ  
Тошпўлат МАТИБАЕВ  
Алишер МҮМИНОВ

Бўлимлар:

Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 288-46-54 (149); Котибиёт — 288-42-14 (144); Аxbорот, ҳуқуқ ва хатлар бўлими — 288-42-12 (146); Қабўлхона — 288-42-23; 288-42-12 (141) факс; Реклама бўлими — 233-41-89.

Навбатчи муҳаррир — Дилором Матқаримова  
Навбатчи — Ориф Улмасов

«Adolat»дан кўчириб босиш тахририят рухсати билан амалга оширилади.

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган  
Тахририят манзили: 100043,  
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани  
«Шарқ тонги» кўчаси, 23-уй.  
info@adolatgz.uz / adolat\_gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва аxbорот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй. Қўғоз бичими А-2. Ҳажми — 4 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 300. Адади — 17133 Босишга топшириш вақти — 21.00 Босишга топширилади — 22.30 Баҳоси келишилган нархда

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 1071-5213



1 2 3 4 5 6